



ТОШКЕНТ



XXI аср Барча маблардан олинг сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Давлат акциядорлик тижорат «Асака» банки бугунги кунда мамлакатимиздаги энг рақобатбардош, илдам ривожланаётган универсал банкка айланди. Ҳозир банкнинг автомобиль саноти мажмуига йўналтирилган кредитлар миқдори жами маблагларнинг 56 фоизини ташкил этпти. Бу ҳақда акциядорларнинг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида таъкидланди.

● Усмон Юсупов туманидаги «Миришкор» ширкат ҳўжалиги пиллакорлари мамлакатда биринчи бўлиб давлатга пилла топшириш йиллик режасини бажардилар.

● Бердақ «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида қора ва рангли металл парчалари ва чикндиларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● Тошкентдаги Ҳиндистон маданият марказида Робиндранат Тагор таваллуднинг 140 йиллигига бағишланган адабий-музика кеча бўлиб ўтди. Адабиётшунос олимлар, ёзувчилар ва талабалар иштирок этган ушбу тадбирда буюк ҳинд адаби, халқаро Нобель мукофоти соғириндори, улўғ мутафаккир ва жамоат арбобининг ҳаёти, ижодий фаолияти ҳақида сўз борди.

● Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат университетида мамлакат талабаларининг қозоқ тили ва адабиёти бўйича фан олимпиадаси бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Давлат санъат музейида Санкт-Петербург қўйма шакллар музейининг экспонатлари намойиш қилинмоқда. Қўрғазма шу йилнинг 31 майи-игача давом этади.

● Қарши шаҳридаги «Насаф» йиғингоҳида «Фидокорлар» миллий демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши ташаббуси билан «Ватан ягона-дир, Ватан биттадир» деб номланган ёшлар фестивали ўтказилди.

● Урганчда машҳур «Каунтерпарт консорциум» халқаро ташкилоти ва «Ал-Хоразмий-Вамбири» маҳаллий халқаро илмий жамият ҳамкорлигида фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш маркази очилди.

● Ўзбекистон Республикаси ўқитувчиларининг биринчи анжумани олдидан Сурхондарё вилоят ўқитувчиларининг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг биринчи босқичида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ва иккинчи босқичида амалга оширилган ишлар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Фаргона шаҳрида вилоят ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида «Ўзбекистон — Ватаним меним» қўшиқ байрамнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 30 нафарга яқин осойишталик посбони она-Ватанга муҳаббат, мардлик ва фидойиликни таранум этувчи қўшиқларни ҳакам ҳайъати ва мухлислар эътиборига ҳавола этди.

● Ёлдуз Тошкентда Мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган миллий чолғу ансамбли ва оркестрларининг «Тошкент баҳори-2001» халқаро фестивали тантанали рившда ёпилади.

● Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят музыка драма театри жамоаси ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишлаб Уйғур ва Иzzат Султоннинг «Алишер Навоий» драмсини сахналаштирди.



Жаҳонда

● Россия ташқи ишлар вазири Игорь Иванов мамлакат Президенти Владимир Путин жорий йилнинг сентябрида Финляндияга ташир буюражигани маълум қилди. У шу муносабат билан Финляндияда бўлиб, учрашувга тайёргарлик билан боғлиқ масалалар юзасидан музокаралар ўтказди.

● Бугун Москва ҳўкумат комиссиясининг йиғилишида ўтган йили Баренцев денгизига чўкиб кетган «Курск» сувоти атом кемасини кўтариш бўйича ўтказиладиган операция мўддати белгиланди.

● Колумбия парламенти мамлакатда террорчи гуруҳларга қарши кураш ва жиноятчиларни жавобгарликка тортишни янада кўчайтиришга қаратилган янги қонун лойиҳасини тасдиқлади.

● Исроил ва Фаластин ўртасида қуролли тўқнашувлар бошланганидан бери 500 киши ҳалок бўлди, бир неча минглаб одамлар жароҳатланди.

● Копенгагенда Евровидение қўшиқ фестивали ниҳоясига етди.

● Мьянмада гиёвандлик муаммосига бағишланган халқаро анжуман бошланди.

● Японияда электрон китоб ишлаб чиқилди. Янги қурилма хотирасида 250 саҳифагача матн ва расмни сақлай олади.

● Германиянинг Эиген шаҳарчасида истикомат қилувчи 47 ёшли Валтрауд Кречман хоним бир кечада миллионерга айланди. У телевизион шоуда 10 миллион марка ютиб олди.

● Озарбайжондаги муттасил кўчи ёмғирлар ва тоғдаги қорларнинг эриши натижасида бир неча қишлоқлар сув остида қолди. Тахминий ҳисобларга кўра, етказилган зарар 250 минг АҚШ доллари миқдорига тенглаштирилмоқда.

● Испания пойтахтида рўй берган кучли портлаш оқибатида 15 дан ортик киши жароҳатланди.

ФУТБОЛ

«Пахтакор» ярим финалда

Ўзбекистон Кубоги мусобақаларининг чорак финалда кутулганлик жамоалар орасида рақибларидан махорат ва тажриба бобида кучлироқлари голиб чиқиди. Кувончли шундаки, пойтахтимизнинг бош жамоаси «Пахтакор» Кубок ўйинларида ҳам ўз ишқибозларига ёрқин галабалари билан қувонч қозонди. Чўчки чорак финалда «Қизилқум» мўхмони бўлган пахтакорчилар 4:1

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИВСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 55 (9.552) 2001 йил 14 май, душанба Сотувда эркин нархда

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ Тўғрисида АХБОРОТ

Аввал хабар қилинганидек, Тошкентда 11-12 май кунлари иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси бўлиб ўтди.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпус вакиллари, чет эл ва республика оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқарди.

Сессиянинг биринчи иш кўндига Олий Мажлиснинг ишчи органи — котибияти ташкил этиб, кун тартибининг тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2000 йилдаги ва 2001 йилнинг биринчи чорағидида ижроси бўйича молия вазири М. Нурмуродов маъруза қилди. Ушбу масала бўйича Бюджет, банк ва молия масалалари кўмитаси раиси А. Аҳадов қўшимча маъруза қилди.

Мазкур масала муҳокамаси жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бюджетнинг даромад қисмини қўпайтириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасидаги ишларнинг етарли эмаслиги, ўз фаолиятига танқидий ёндашувнинг, маблагларни бюджетга жалб этишда тўқсинлик қилувчи омилларнинг чўқур таҳлили йўқлиги борасида қатор танқидий мулоҳазалар билдирди. Давлатимиз раҳбари, шунингдек, ижтимоий мақсадларга ажратилаётган бюджет маблагларидан фойдаланишнинг қоникарсизлиги, мамлакатимизнинг қатор вазирилари ва идоралари, маҳаллий ҳокимлик органлари раҳбарлари томонидан бюджет ижроси бўйича назорат сусайтириш юбронининг қайд этди. Президент бу борада халқ ҳўжалиги тармоқларида бюджет ижроси, бошқарув аппарати учун ажратиладиган маблагларнинг мақсадли тарзда қисқартирилиши юзасидан доимий парламент назоратининг ўрнатилиши ва шу тарихда парламентнинг иқтисодий ислохотларнинг бориши, халқ ҳаёти фаровонлигини оширишга йўналтирилган ижтимоий дастурларнинг амалиётга жорий этилишига таъсирини кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатимизнинг асосий молия ҳўжжати ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар муҳокамасида Урганч касб-ҳунар қурилиш коллежи директори И. Бойжонов, Бўстонлик тумани ҳокими У. Неъматов, «Наманганирқурилиш» трести бошқарувчиси Ш. Матмуратов, Нукус шаҳри ҳокими И. Қалмуратов, «Пахтабанк» акциядорлик тижорат банки бошқарувининг раиси Ж. Сайфидинов иштирок этди. Депутатлар 2000 йил ва жорий йилнинг биринчи чорағи бўйича Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлади.


Қонунчилик ва суд-ҳўқук масалалари кўмитаси раисининг ўринбосари А. Тўхташев «Прокуратура тўғрисида»ги

Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси иккинчи иш кўни Қонунчилик ва суд-ҳўқук масалалари кўмитаси раиси А. Тўхташевнинг «Суд ҳўжжатлари ва бошқа органлар ҳўжжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузасидан бошланди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида Наманган давлат университети ректори Т. Файзуллоев, Бандихон тумани ҳокими У. Чўтбоев, Андижон вилояти «Мевасабазов» ҳудудий бирлашмаси раиси А. Каюмов, Мирзо Улўғбек номидаги Миллий университет ректори Т. Долимов катнашди.

Ушбу масалани қўриб чиқиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов республикада ҳақиқий мустақил суд ҳокимияти яратилгани, суд органлари нуфузини ва масъулиятини оширишга йўналтирилган чоралар қабул қилинганини алоҳида таъкидлади. Мамлакатнинг суд тизими қонунчиликка қатъий риоя қилинишини, содир қилинган жиноят учун жазонинг муқарраблигини таъминлаши лозим. Жиноий жазолар тайинлишини эркинлаштириш борасида иш олиб борилган ҳозирги шароитда жамият учун хавфли бўлмаган ҳўқуқбузарлик содир этган шахсининг озолидан маҳрум этилишига йўл қўйилмаслиги лозим. Аввало, уни етказилган моддий зарарни қоплашга мажбур қилиш, қайта тарбиялашга интилиш керак. Бу ўринда давлатимиз раҳбари қонун лойиҳасига ҳўқуқбузарлардан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган моддий зарарни тўлиқ ундириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган мол-мулкни ундириш ҳақида мурожаат қилиш имконини берувчи қўшимча модда киритилиши тўғрисидаги тақлифни айтиди.

Депутатлар биринчи ўқишда қонун лойиҳасини маъқулад ҳақда уни оммавий ахборот воситалари орқали умумхалқ муҳокамасига ҳавола этиш ҳақида қарор қабул қилди. Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари кўмитаси раиси И. Кочмарик «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳўқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг депутатлар эътиборига ҳавола этди. Бу масала юзасидан «Фонони» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори М. Ашуров ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Қонун лойиҳаси муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ҳам катнашди. Давлатимиз раҳбари ушбу қонун лойиҳасининг фақулдада мўхм аҳамиятга эга эканлигини қайд этиб, мамлакатимизнинг ўзида ахборот-техник воситалар ишлаб чиқариш ва дастурий таъминотни ривожлантириш, халқ ҳўжалигига замонавий технологияларни жорий этиш зарурлигига эътиборни қаратди. Президент компьютер техникаси, интернет тармоғи салохиятидан иқтисодийнинг барча соҳаларида, шунингдек, мамлакатимиз мактаблари ва олий ўқув юрталарида кенроқ фойдаланиш зарурлигини қайд этди. Замон билан барабар қадам ташлаш, бу соҳада ривожланган мамлакатлар даражасига етишга



интилиш зарур. Нафақат табиий захиралар, балки ақлий салоҳият ҳам катта бойлигимиздир. Шу тўғрйли биз илгор илмий технологияларни ривожлантиришимиз ва бу соҳада ўз мутахассисларимизни етиштиришга алоҳида эътибор беришимиз лозим.

Депутатлар мазкур қонунни қабул қилди. Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитаси раиси М. Сафаванин маърузаси юзасидан депутатлар Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳўжжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритди. Парламент Ўзбекистон Республикасининг тоғ ва металлургия саноти ходимлари қўнини белгилаш тўғрисида қонун қабул қилди. Бу масала юзасидан илм-фан, маориф, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси Н. Жўраев, «Ўзбекистон металлургия комбинати» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А. Фармонов, «Қизилқум-нодирметаллолтин» давлат концерни раиси Н. Кучерский, Ангрэн шаҳри ҳокими И. Асадов сўзга чиқиди.

Иқтисодийни ислох қилиш ва тадбиркорлик масалалари кўмитаси раиси М. Умаралиев лицензия талаб этиладиган фаолият турлари рўйхати ҳақида маъруза қилди. Мазкур масала муҳокамасида «Ўзтадбиркорбанк» акционерлик тижорат банки бошқарувининг раиси С. Қамбаров, «Хоразм шаҳар» давлат корхонаси директори Т. Хўжмуродов катнашди. Парламент номи зикр этилган рўйхатни тасдиқлади. Парламент Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонлари, Олий Мажлис Кенгаши қарорлари, қатор давлатлараро ва халқаро ҳўжжатларни тасдиқлади. Депутатлар котибати раҳбари Т. Норқўловнинг парламентга келиб тушган мурожаатлар тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Н. Исмоилов Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг қонунчилик ва суд органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳининг раҳбари этиб тайинлишини муносабати билан парламент уни Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳўқук масалалари кўмитаси раиси лавозимидан овоз этди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси У. Минғбоевнинг ваколат мўддати туганлиги тўғрйли Олий Мажлис уни бу лавозимга қайта сайлади. Депутатлар Олий суд таркибида айрим ўзгартиришлар киритди. Олий ҳўжалик суди раиси М. Абдуллоев тақлифига кўра, парламент Олий ҳўжалик суди судьясини сайлади.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 2000 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади. Олий Мажлисининг инсон ҳўқуқлари бўйича вакили С. Рашидова парламентга ўтган йилги фаолияти ҳақида ҳисобот берди. Марғилон шаҳри ҳокими А. Ақромов ва Халқ демократик партиясининг Қашқадарё вилояти кенгашининг биринчи котиби Ф. Омонов чиқшидан сўнг, парламент ҳисоботни тасдиқлади.

Шу билан иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бешинчи сессияси яқунланди.

СУРАТДА: сессия пайти.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

□ САВДО, умумий овақтланиш, мултубот кооперацияси ва турли шаклдаги тадбиркорлик ходимлари касабаси уюшма Тошкент шаҳар кўмитаси «Она ва бола» давлат дастури доирасида сўлим дам олиш масканларидан бири — Боғи Эрамда тармоқ ходимларининг оилавий ҳордиқ чиқаришларини ташкил этиб, соҳа ходимларига тўрт мингта чипта бепул тарқатилди. Азиз болақонлар эса иккинчи кун мобайнида боғдаги тўрт хилдаги аттракционда яйраб, завқ-шавқ билан кўнгилли дам олишди.

□ ЧИЛОНЗОР тумани ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси ва маданият бошқармаси ташаббускорлигида ёшлар ўртасида ўтказилган фестивал «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон» деб номланди.

□ ШАХРИМИЗДАГИ 60-мактаб-гимназиянинг бир гуруҳ иқтидорли ўқувчилари га немис тилини пухта ўрганганликлари боис Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари томонидан сертификат топширилди.

□ 1-ТОШКЕНТ Давлат табиёт институтини ташаббуси билан «Ешлик» талабалар шаҳарчасининг «Ешлик» гузарида талабалар ўқитувчилар ҳамда Собир Раҳимов тумани ИИБ ходимлари иштирокида ўтказилган илмий-амалий анжуман «Гивандлик — аср вабоси» деб номланди.

□ АБУ Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетига «Фан ва таълим жараёнини интграциялаш» мавзусида талабалар иштирокида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

□ ЮНУСОБД туманидаги «Боғишаро» маҳалла аҳолиси учун қўлайлик яратилди. Истиклолнинг 10 йиллиги арафасида мазкур маҳаллада янги тўйхона қурилиб фойдаланишга топширилди.

□ УЗБЕКИСТОН Миллий университетига Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан ўтказилган Швейцария маданияти кўнрадида иштирок этган талабалар мазкур мамлакат адабиёти, тарихи, урф-одатлари ва маданияти билан яқиндан танишдилар.

□ ОНАЛАР ва болалар йили муносабати билан пойтахтимиздаги 173-мактабда «Соғлом бола — юрт бойлиги» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

□ МИРОБОД туманида боғчалар ходимлари, ёш оналар ва туман педагоглари ташаббуси билан ташкил этилган Аналар мактаби маркази иш бошлади.

□ РЕСПУБЛИКА Болалар кутубхонасида машҳур санъаткор Ботир Зокиров таваллуднинг 65 йиллигига бағишланган тадбирга Зокировлар сулоласи аъзолари ҳам ташриф бурюшди.

□ КЕЧА шаҳримиздаги 94-мактабда ўтказилган «Ёш авлод — келажгимиз» деб номланган тадбир яқинлашиб келаётган 1 июнь — Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кўнига бағишланди.

□ СОБИР Раҳимов туманидаги 128-мактабда туманининг фаол хотин-қизлари иштирок этиб аёллар ҳўқуқи масаласида бағишланган йиғилиш ўтказилди.

□ МАҲАЛЛАЛАРАРО ўтказилаётган ўсмирлар ўртасидаги «Ўзбекистон келажги» футбол турнирининг туман босқичлари муваффақиятли ниҳоясига етмоқда. Юнусобод туманидан ушбу турнирнинг шаҳар босқичига «Шивили» футбол жамоаси йўллама олди. Шунингдек, Сергели туманидан ҳам ушбу мусобақаларда 28 жамоа катнашди. Туман босқичида соғирли ўйинларга сазовор бўлган жамоаларга эса Сергели туман ҳокимлиги ҳамда «Маҳалла» жамоасининг 10 йиллиги арафасида мазкур маҳаллада янги тўйхона қурилиб фойдаланишга топширилди.

□ ОБУНА — ЙИЛ БЎЙИ

«Оқшом» — Сизнинг ҳамроҳингиз...

Дарҳақиқат шундай, «Оқшом» Сизнинг ҳақиқий ҳамроҳингиз, дилқаш суҳбатдошингиздир, кадрли муштарийлар. Мазлумингизки, 15 апрелдан Ўзбекистон Республикасида ва МДХ мамлакатларида чоп этилаётган нашрларга йилнинг иккинчи ярми учун обуна бошланди. Биз июль ойидан бошлаб ўзингизга севган «Оқшом» газетасига нархлар бироз ошганлигига қарамай яна унга обуна бўлишингизга ишонамиз. Бу ерда шунча ҳам айтиш керакики, бугун йил бўйи учун обунани расмийлаштириб қўйган муштарийларимиз бундай юмушдан кафолатланадилар.

Қуйида 2001 йилнинг иккинчи ярми учун обуна нархларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

1 ойга		3 ойга		6 ойга	
Абонент кўписига	Манзилга	Абонент кўписига	Манзилга	Абонент кўписига	Манзилга
Якка обуначилар учун нашр кўрсаткичимиз — 209					
780 сўм	845 сўм	2340 сўм	2535 сўм	4680 сўм	5070 сўм
Ташкилотлар учун нашр кўрсаткичимиз — 563					
1482 сўм	1664 сўм	4446 сўм	4992 сўм	8892 сўм	9984 сўм

Маълумки, шу кезларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳисобот-сайловлар бўлиб ўтмоқда. Май-июнь ойларида маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларининг ваколат муддатлари поёнига етди. Ана шу боисдан маҳаллаларнинг аҳолиси, яъни биз билан сиз маҳаллаларнинг оқсоқоллигига қимдларнинг номзоди муносиб эканлигидан келиб чиқиб, номзодларни айтишимиз керак. Демак у олдин жараён эмас. У ҳар биримиздан масъулиятни ҳам талаб этади. Ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар ўтказишни муносабати билан «Оқшом» мухбири Тошкент шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Аъзамжон Гадоибоевга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Маълумки, айна шу кезларда ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар кизгин ўтмоқда. Айтингчи, унда «Маҳалла» хайрия жамғармасининг иштироки қандай бўлмоқда?

— Жуда ўринли савол бердингиз. Бизнинг хайрия жамғармаси маҳалла ҳаёти билан том маънода мустаҳкам боғлиқдир. Демак ўзини ўзи бошқариш органларига, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайлови биз учун ҳам алоҳида аҳамият касб этадиган воқеадир. Жумладан, бошқа жамоатчилик бирлашмаларининг вакиллари билан бир қаторда «Маҳалла» жамғармасининг вакиллари ҳам сайловни ўтказишни ташкил этиш ва уни ўтказишга кўмаклашиш бўйича комиссия-

аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш зарурлиги, қонун ҳужжатларига қатъий риоя этиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ҳамда аҳолининг иш билан таъминлашига кўмаклашиш ҳақида гапирди. Бинобарин Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча инсонлар маҳаллаларнинг ҳаёти-маишатида тугган ўрни ва маъқени, азалий қадриятларимизни жуда яхши билишиди. Маҳалла — Ватан ичра Ватан бўлган қутлуғ бир гўшадир. Шундай экан, ҳокимиятнинг бошқа ҳар қандай идорасидан кўра маҳалла муаммолари, унинг ечимини топиш йўллари шу маҳаллада истиқомат қилувчи аҳолига айниқса яқинроқ аён. Ана шундан келиб чиққан ҳолда таъкидлаб ўтиш жоизки, маҳалла муаммоларини ҳал этишда у ерда истиқомат қилаётган аҳолининг ўзи фаоллик кўрса-

ни кўриб чиқишда қийинчиликка дуч келиб қолиши мумкин. Маҳалла оқсоқоллигига номзод яхши ташкилотчи бўлмоғи, раҳбарлик ишларида тажрибага эга бўлиши, билимли ва маҳалла аҳолиси ўртасида ҳурмат ва эътибор қозongan бўлиши керак. Бу ерда яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш лозим. Бундай одам тиниб-тинчимайдиган, ўзининг ташаббусларини илгари суришда ва уни амалга оширишда дадил бўлиши, маҳалланинг кўпроқ ўз кучига ва маблағига таянадиган ҳамда бошқаларга камроқ суянадиган бўлиши учун бутун куч-ғайратини ишга солиб ишлайдиган фидойи инсон бўлмоғи керак.

— Ҳозир шахримизда ўзини ўзи таъминлаётган, бакуватат маҳаллалар ҳам бор. Ана шу маҳаллалар ҳақида икки оғиз сўзлаб берсангиз.

— Пойтахтимизда шундай маҳаллалардан юздан зиёди мавжуд. Масалан, Собир Раҳимов туманидаги «Чигатой-Оқтепа», Шайхонтоҳур туманидаги «Чўпонота» маҳаллалари, Ҳамза туманидаги Аҳмад Назаров номи маҳалла ва бошқа кўплаб маҳаллалар ҳақида энг яхши сўзларни айтиш мумкин. Ушбу маҳаллалар ўз дорихоналарига, ўз устахоналарига эга. Улардан тушадиган фойда маҳалла эҳтиёжларига ишлатилади.

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига раислар ора-

Талаблар даражасида

«Агама» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақида гап борганда, унинг маҳсулотларини нафақат ўзимизда, балки Россия, Қозғистон ва Туркманистон каби бир қатор МДҲ давлатларида ҳам жуда яхши билишадими.

Бугунги кунда мамлакатимиз шаҳарларида фирманинг ўнга яқин филиаллари бўлиб, уларда турли ёшдаги болалар, эркаклар ва аёллар учун 500 турдан ортиқ ҳар хил юқори сифатли трикотаж кийимлари ишлаб чиқарилади. Мазкур фирманинг шахримиздаги «Агама-106» филиалида эса 100 дан зиёд ана шундай бежирим ва замонавий трикотаж буюмлари тиклмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда бу каби маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг сони ҳам йил сайин ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида республика ички бозорига рақобатнинг янада кучайишига олиб келмоқда. Шу сабаб ҳам «Агама» жамоаси маҳсулотларининг турини кўпайтириш билан бирга унинг сифатига эътибор қаратмоқда. Корхона шу кунгача асосан соф пахта ҳамда синтетика тоғаларидан ва уларнинг аралашмасидан маҳсулот тайёрлашда хом ашё сифатида фойдаланган.

«Агама»да ўтган йили 222 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 36 миллион сўм соф фойда кўрди. Корхонанинг бундай натижага эришишида аввало Европа технологиясига асосланган технология ишлаб чиқариш жараёни ҳамда малакали мутахассислар билан ишланган тўғри йўлга қўйилганлиги асосий омил бўлди. «Агама» фирмаси шу кунгача бир неча бор халқаро ва республикамизда ўтказилган танловларда, кўргазмаларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келган. Айна давларда Россиянинг Нижний Новгород шаҳрида фирмага қарашли савдо маркази фаолият юритиб келмоқда.

— Айнақча пахтадан тайёрланган маҳсулотларимизга бўлган талаб бизда ҳам, хорижда ҳам катта, — деди корхона директори Владимир Нагайкин. — Чунки пахтадан тайёрланган бу маҳсулотларимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан анча арзон ҳамда замонавий кўринишга эга.

Ҳақиқатан ҳам «Агама»да ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўпчилигининг эътиборини қозонмоқда.

Очил ҲАЗРАТОВ

Ҳаётимизда нондек азиз саналмиш сўвнинг нақадар зурроқлигини барчамиз яхши биламиз. Тириклик манбаи саналган оби ҳаёт — сўвнинг қадри жуда ҳам юксак. Шаҳримиз аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашда пойтахтимизда 70 йилдан бери фаолият кўрсатаётган «Сувсоз» трести — давлат унитар жамоасининг хизматлари бекиёсдир. Жамоанинг ўтган йилларидаги тарихи, амалга оширилган юмушлар ва ҳозирги кундаги долзарб вазифалари ҳақида трестнинг бош муҳандиси Закир Солиҳовга сўрашганимизни гапириб берди:

— Халқимизда «Сув келтирган азиз» деган ажойиб нақл бор. Мана 70 йилдирки, жамоамиз ахли ана шундай савобли ишнинг бошини тугган. Одатда ҳар ким шундай қутлуғ кунда тарихга назар ташлайди. Шу боис мен ҳам, аввало жамоа тарихи ҳақида тўхталишни лозим топдим. Ўтган асримиз бошларида Тошкент шаҳар аҳолиси ариқлар, ҳовузлар, қудуқ сувлари ва қисман Чимкент йўлидаги Головачев булогидан ташиб келтирилган сув билан таъминланарди. 1909 йилда С. Азимов кўчаси атрофида «Пантиотти ва К» деб номланган хусусий ширкат томонидан биринчи артезиан қудуқ ва сув кўтариб бериш минораси қурилди. Унинг сув ишлаб чиқариш қуввати бир соатда 1500 литрдан ошмас эди.

Шаҳарда ичимлик сув тармоғи қурилиш зарурати илк бора 1915-17 йилларда туғилди ва бу масала ҳукумат даражасида кўриб чиқилди. 1925 йилда дастлабки Тошкент ичимлик сув тармоқлари лойиҳаси устида иш бошланиб, 1931 йилда Бўзсув каналда бош суви иншоотининг биринчи навбати фойдаланишига топширилди. Шу йилнинг май ойида Буюк Турон ва Х. Сулаймонова кўчаларининг чорраҳасида бўлиб ўтган митингга гидрант очиб юборилди ва

мий ишлаб чиқариш қуввати бир кеча-кундузда 1 миллион 945 минг кубометрга тенг бўлиб, шаҳар оқова сув тармоқлари узунлиги 2456,5 километрга етказилди.

Тошкент ичимлик сувининг таъми лаззатли ва ёқимли, муздек ва тоза, давлат стандартлари талабига тўла жавоб беради. Бугунги кунда ҳар бир сув иншоотида мавжуд бўлган ихтисослашган кимёвий бактериологик лабораториялар сувининг сифатини мунтазам назорат қилиб турадилар. Жамоамизда 70 та ихтисослик намондаларидан ташкил топган 4,5 минг нафар малакали мутахассис меҳнат қилмоқда. Улар пойтахтимиздаги корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда шахримиз аҳолисинга кечая кундуз беминанат хизмат кўрсатишмоқда. Диспетчерлик хизмати ва трест ташкилот ҳамда корхоналари сувсозларининг фидокорона, тинимсиз меҳнати туфайли шахримиз аҳолисини мунтазам равишда тоза сув билан таъминлашда ва чикинди сувлар ўз вақтида сифатли тозаланишмоқда. Мавсумий ишлар ҳам режа асосида муваффақиятли бажариб келинмоқда.

— Истиклол режаларингиз қандай?
— Сувсозларимиз масъулиятли вазифани амалга ошираётганларини бирон дақиқа

Сувдек сероб бўлаётганлар

тоза, тиниқ сув шаршарадек отилиб оқа бошлади. Ана шу кун «Сувсоз» трести — давлат унитар корхонаси ташкил топган сана бўлиб тарихга кирди. Қуввати бир кеча-кундузда 3800 кубометр бўлган Бўзсув бош суви иншооти ва 30,3 километрни илк сув тармоқлари шаҳар сув таъминотининг дастлабки дебоҳаси бўлиб, у ишга тушган йили ҳар бир ҳамшаҳримизга бир кеча-кундузда ўрта ҳисобда 2,5 литр ичимлик суви тўғри келарди.

ҳам ёдидан чиқармайдилар ва шу билан бирга сувининг нақадар бебаҳо ва қимматбаҳо бойлигини эканлигини дилдан хис этиб меҳнат қилишмоқда. Улар фақат бугуннинг эмас, балки эртанги кун талабини ҳам чуқур ўрганган шаҳар ичимлик суви ва оқова сувлар ҳўжалигини ривожлантириш истикболлари йўлида иш олиб боришмоқда.

Сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш ва ис-

рофгарчиликнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июндаги «Турар жой биланарини сув ва газ ўлчаш асбоблари билан жиҳозлаш ва ҳисоблагичларни ишлаб чиқаришни Ўзбекистон Республикасида йўлга қўйиш тўғрисида»ги қарори ва унга асосан Тошкент шаҳар ҳокимининг 1999 йил 2 августдаги қарорини бажара бориб 2004 йилгача пойтахтимиздаги шахсий турар жойларга 115 минг дона, кўп қаватли уй-жойларга 9367 дона сув ўлчаш асбоблари ўрнатилиши режаланганми. Туманларда бу ишни пухта режа остида амалга оширялми. Бундан ташқари шаҳарни худудларга бўлиш (зоналаштириш) ишлари билан бевосита шуғулланиб, бунинг учун ақин келажакда қийонзор сув тақсимлаш иншоотлари қурилиши тугаллаш, Шайхонтоҳур иншооти қурилишини бошлаш ниятидамиз. Шунингдек шаҳар марказида сув таъминотини яхшилашга имконият яратувчи Бўзсув бош суви иншоотининг суткасига 200 минг кубометр қувватли сизотлаш бўлими қурилишини ҳам яқин кунларда тугаллашимиз зарур. Ер ости сувлари сатҳи барқарорлигини таъминлаш, тошқин, сел ва оқова сувларнинг келиш мавсумида Қибрай суви иншооти атрофидаги дарё киргоқларини ювиб кетиш ҳолларининг олдини олиш учун ушбу худудда Чирчиқ дарёсига тўсиш ускуналарини мажмуасини барпо этишни режалаштириб турибмиз.

Шуни доим ёдда тутмоғимиз зарурки, фойдаланиш учун эрксиз ҳолга келган шаҳар сув ўтказгич ва оқова сув тармоқларини қайта қуриш ва тиклаш ишлари қундалик вазифаларимиздандир. Сирасини айтганда, олдимизда бажарилиши лозим бўлган вазифаларимиз талайгина. Буларнинг барчаси халқимиз турмуш фаровонлиги йўлидаги ишлардир. Уйлаймики, ўларнинг қутлуғ байрамларини Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги нишонланганда жорий йилда кунди ошига интиллаётган сувсозларимиз бундан кейин ҳам ҳамшаҳарларимизга сидқидиллик билан хизмат қилдилар, олдиларидаги масъулиятли юмушларини бекум кўст бажарадилар.

Шарифа ИЛЕСОВА суҳбатлашди.

МАҲАЛЛАНГ — ОТА-ОНАНГ



ларнинг таркибидадирлар. Ўз навбатида биз сайловни ўтказишда, шунингдек фуқароларга ана шу сайловнинг аҳамиятини тушуниришда амалий ёрдам кўрсатиш учун қўлимиздан келган барча ёрдамни аямиймиз. Маълумки, бу йил барча юртдошларимиз учун ўзгача йил — Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги нишонланадиган йилдир. Ана шу 10 йил мобайнида ўзини ўзи бошқариш органларининг роли нақадар ошганлигини ҳаммамиз аққол кўриб турибмиз. Истиқлол шарофати билан қадриятларимиз тикланиб, маҳаллаларнинг кўп асрлик аънавалари ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олди.

— Юқоридаги мавзунинг давом эттирган ҳолда шу ўринда маҳаллаларнинг роли ошиб бораётганлиги боисдан маҳалла оқсоқолларига ҳам талаблар ўзгача бўлаётгандир...

— Дарҳақиқат, талаблар ошиб бормоқда. Олий Мажлисда яқинда ўтказилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловга тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика семинар-кенгашида сўзга чиққанлар маҳаллаларнинг мамлакат ҳаётида тугган ўрни ошиб бораётганлиги тўғрисида, фуқаролик жамияти қуриш шароитларида унинг фаолиятини такомиллаштириш ҳақида,

тиши керак. Ҳар бир юмушга қандай ёрдам бериш кераклигини ўзини ўзи бошқариш органлари ва унинг раиси, яъни оқсоқоли яхши идрок этади. Бинобарин, ҳар бир инсоннинг, ҳар қандай оиланинг турмуш тарзи кўп қиррали бўлиб, маҳаллалар ана шу барча жиҳатларни ўзига қамраб олади. Ёшлар тарбияси, кўп болали ва кам таъминланган оилаларнинг муаммолари, аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини ошириш, маънавий-маърифий ишлар, миллий қадриятларни сақлаш, ҳуқуқ-тартиботини таъминлашда иштирок этиш, хуллас бири-бирдан ранг-баранг ва кўп қиррали юмушларнинг ҳаммаси маҳалла зиммасидадир. Айна шу кезларда армияга баҳорги қақриқ давом этмоқда. Ўзини ўзи бошқариш органлари қақирув масканлари билан мустаҳкам алоқада ишламоқдалар, уларга ҳар томонлама ёрдам бермоқдалар, армияга чақирилувчилар билан иш олиб бормоқдалар. Бу маҳалла фаолиятига оид келтирилган яна бир мисолларимиздан биридир.

Маҳаллаларнинг ана шундай кўп қиррали ишлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари номзодини танлашга алоҳида талаблар кўймоқда. Бинобарин, бундай одам кам деганда ана шу маҳаллада беш йил истиқомат қилган бўлиши лозим. Янги кўчиб келган одам эса барча муаммолар-

сида аёлларнинг ҳам борлиги қувонарлидир. Уларнинг фаолияти ҳақида нималар дея olasиз?

— Тошкентнинг ўн иккита маҳалласидаги оқсоқоллар аёллардан иборатдир. Уларнинг ҳаммаси ўз вазифаларини сидқидилдан адо этишмоқда. Уйлайманки, бу гал ҳам фуқаролар йиғинлари раислигига сайланадиган аёлларимиз миқдори янада ошади. Чунки кейинги йилларда жамиятимизда аёлларнинг ўрни узлуksиз ошиб бормоқда. Лекин нафисламбирини айтганда фуқаролар йиғинларига ким бошчилик қиладиган бўлса — бу инсон ўзига топширилган иш учун жуда катта масъулият ҳиссини сезадиган инсон бўлиши зарур. Бинобарин, маҳалланг — ота-онанг, деб бежиз айтишмаган. Оилани эса ота-онандан яхшироқ билладиган киши йўқ. Маҳалла ҳам катта оила. Бинобарин маҳаллада истиқомат қилувчи фуқароларнинг манфаатлари ва муаммоларини тўла-тўқис билладиган киши маҳалла оқсоқолидир. Шу боисдан маҳалла оқсоқолининг танлаш ўша ерда истиқомат қилувчи аҳолига, кўп жиҳатдан сайловгага боғлиқ. Бу нарсани ҳаммамиз доим ёдда тутмоғимиз даркор.

Суҳбатдош
Хондамир СОЛИҲОВ

ДИҚҚАТ: ЯНГИ РУКН «Сотилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар қандай аҳволда» йўқламаси

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталари тахририяти билан ҳамкорликда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 5 йиллигига бағишлаб «Сотилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар қандай аҳволда» йўқламасини ўтказди.

Бу йўқламанинг мақсад ва вазифалари талабларини тарғибот қилиш орқали истеъмолчиларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини ҳимоя қилиш, ҳар бир фуқаронинг инсон саломатлиги учун хавфли бўлган сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилмасликларини (сифатсиз хизмат кўрсатиш) ҳусусида огоҳлантириш, шунингдек, муштарийларнинг бу ҳолда, инсофсиз ишлаб чиқарувчилар (сотувчилар ва бажарувчилар)нинг фаолияти ҳақида маълумотнома йиғиб, уни газета сарҳафларига мунтазам равишда ёритиб боришдан иборатдир.

Биз истеъмолчиларнинг ўзларига мамлакатимизнинг товар (хизматлар) бозорларидаги мавжуд ҳолатга мақсадли таъсир кўрсатиш имконияти берилишини истаймиш. Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси

ҳамда ваколатли органлар томонидан кўрилатган тезкор чора-тадбирларга қарамасдан жойларда истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишда Қонун талабларининг бузилиш ҳолини ҳамон ўраб турибди. Айниқса, айрим харидорлар Қонунни билмасликлари оқибатида сифатсиз, яъни одамларнинг соғлигига хавфли бўлган маҳсулотлар, сифатсиз ёки умуман кўрсатилаётган хизматлар учун ҳам пул тўлаётганликларини ачинарлидир.

Бир нарсани унутманг: харидорнинг соғлигини ишончли муҳофаза қилиш, сарф-ҳаражатларда тежамкор бўлиш, назорат органларининг мавжудлиги ёки дўконлардаги озиқ-овқат маҳсулотларида мувофиқлик сертификати борлиги билан эмас, балки истеъмолчиларнинг ўзлари билиб-билмаган ҳолда турли хатолликларга йўл қўймасликларини, инсофсиз ишлаб чиқарувчиларнинг эса ўз фаолиятлари давомида истеъмолчиларнинг тилак-истаклари билан хисоблаш ишларига эришиш билан белгиланади.

Шуларни ҳисобга олиб, бугун газетамиз саҳифасида «Истеъмолчиларнинг даъво купони»ни эълон қилляпмиз.

Бу купон бошқа купонга маҳаллий газеталарда ҳам чоп этилади. Истеъмол бозори (дўконлар)да ўз ҳуқуқи камситилганига ғувоҳ бўлган ҳар бир фуқаро уни газетадан кесиб олиб, тўлдириб, Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқар-

масига ёки «Вечерний Ташкент» ва «Тошкент оқшом» газеталари тахририятига юборишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг мутахассислари истеъмолчилар томонидан юборилган даъво купонларини жамлаб, диёнатсиз ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар (корхоналар, уларнинг раҳбарларининг қора рўйхатини туздиладилар. Мазкур рўйхат эса газетда ёритилади. Бу ўз навбатида Давлат стандартлари талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи (сифатсиз хизмат кўрсатувчи) корхоналар жамоалари учун биринчи огоҳлантириш бўлади. Агар улар кейинчалик ҳам ўз фаолиятларида ҳеч қандай ўзгариш қилмасалар, у ҳолда каттиқроқ чоралар қўрилади. Бундан, албатта аҳоли хабардор этилади.

Едингида тутинг, бу йўқламада асосий эътибор айрим ишлаб чиқариш корхоналари томонидан сифатсиз (ноқонуний) маҳсулот ишлаб чиқарилиши, аниқроғи беғона товар ёки маҳсулот белгиси билан сифатсиз хизмат кўрсатилишига қаратилади.

Ҳурматли истеъмолчилар, газетамиз муштарийлари! Ушбу купонни тўлдириб жўнатсангиз, республикамизда хавфли, сифатсиз маҳсулотлар сотилиши (хизматлар кўрсатилиши)га чек қўйишга ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ДАЪВО КУПОНИ (Товар бўйича даъвоингизни ёзинг, ахборот беринг)

Товар бўйича ахборот (кўрсатилган иш, хизмат)
 Товар номи(кўрсатилган хизмат)
 Модели _____
 Нархи _____
 Ишлаб чиқарувчи (хизмат кўрсатувчи) ҳақида ахборот:
 Корхонанинг номи _____
 Ишлаб чиқарувчи (хизмат кўрсатувчи)нинг манзили _____

Товар сотиб олинган (хизмат кўрсатилган) жойи:
 Сотувчининг исми-шарифи _____
 Сотувчининг манзили _____
 Даъвонинг асл моҳияти:
 — Аҳборотнинг тўлиқ эмаслиги
 — Давлат тилида ахборотнинг йўқлиги
 — Товарни сақлаш ва қафолат муддати йўқлиги
 — Товарнинг (хизмат кўрсатишнинг) сифатсизлиги
 — Товарнинг хавфлилиги
 — Сотувчи (хизмат кўрсатувчи) даввони ҳал қилишдан бош тортиди
 — Бошқалар (ёзинг) _____

Хоҳласангиз, исми-шарифингиз ва манзилингизни ҳам маълум қилинг

Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасининг «Ишонч телефони»: 133-09-39, 133-06-11.

Алишер Навоий йирик дostonларининг деярлик ҳаммасида илмий, фалсафий, тарихий мавзулардаги нарийн асарларининг асос кўпчилигида уларнинг яратилиши саналари аниқ қайд этиб ўтилган, айримларининг эса яқунловчи қисмида махсус тарих туширилган. Бу таъкид ва тарихлар шоир ҳаётининг қатор лавҳа-саҳифаларига равшанлик киритувчи муҳим ҳужжат ҳамдир.

Шеърининг асосини газал, рубоий, қўша каби қатор турларда уч миңдан ортиқ газал намуналарини яратган шоир, Шарқдаги анъаналарга риоя этиб бўлса керак, уларнинг бирортасида ҳам ёзилди санасини кўрсатмайди. Айтايлик, «Хазойин ул-маоний» мажмуасини ташкил этувчи тўрт девондан ўрин олган 2600 газалдан фақат тўрт-бештагина, айрим имо-ишоралар ёрдамида, яратилиш вақтини тахмин этиш мумкин.

Ана шу умумий аҳвол ҳисобга олинса, ёзилиш санасига Навоийнинг ўзи аниқ ишора этган қуйидаги беш газалнинг катта илмий-тарихий аҳамияти янада равшанроқ юзага чиқади.

Навоий уларнинг ҳар бирида газал ёзилаётган вақтда ўзининг эллик ёшда эканлиги ҳақида сўз очадик, бу маълумотни, аниқ вақтда шу газалнинг битилиш тарихи деб ҳам ҳисоблаш мумкин.

Худди шу ўринда айтиб ўтайликки, Навоий бошқа ҳамма ҳолатларда бўлганидек, бу газалларда ҳам ўзи ёзиши хижрий йил ҳисоби билан белгилайди. Маълумки, хижрий йили хозирда бизда амалда бўлган милодий йил ҳисобидан тафовут қилади. Айтايлик, шоир эллик ёшга 1491 йилда эмас, балки икки йил олдин кирган. Чунки хижрий 844 йилда таваллуд тоған шоир 894 йилда элликка тўлган, бу эса бизнинг хозирги милодий ҳисоби-

тобеълани билдирса, «доғи» («доғ») — белги, далил демакдир. Шу тарихи, биринчи мисрада шоир «Ул ой — машуқа юзидаги менг бошқа борча гўзалларнинг унга қул бўлишлари учун шубҳасиз далил, етарли ишорадир», демоқчи. Иккинчи мисра шу мазмунини янада чуқурлаштиради — «унинг аёғи остидаги қаро туфроғ бошқа гўзалларга сурма бўлишига арзийди».

Газалнинг иккинчи йўналиши шу байт мазмуни билан яқунлашиб, ижтимоийлик олд ўринга чиқади. Иккинчи байтда шоир ўз мураккаб рухий кечинмаларини тасаввурий тушунча — тимсоллар воситасида ифодалагани кирдилади. Жумладан, «бесутун» сўзининг машҳур тоғи ва айнаи замонда, осмон, қиновтини англаштирига йўқом санъати орқали ишора этиб, ўзидagi қўш равокига устун бўлгудек маломат тоғини — айб, таъна, нуқсон у қусурлар уюмини само «сайридан» афзал билади:

Бесутун сайрини найлайким, манга эгнимдаги, Кўк равокига сутун бўлгон маломат тоғи бас.

Газалнинг кейинги байтида эса шикоят ва норозилик руҳи кескинроқ, қатъийроқ, муҳими аниқ йўналиш билан юзага чиқади. Нишон — замон, тақдир, фалак тушунчаларини ҳам ўзида жамловчи «сипехр». Унга қарата муаллиф «мен» хитоб қиларкан, ёвуз кучларга («зоғу зағанларга») ўзининг емиш бўлаётганидан фиғон тортади, бу жабру жафр етмаётгандек, бошига қўшимча йўналтирилаётган «юз бало қуллоби» — чангагини дафъ этиши қатъий талаб қилади. Жамиятдаги зулмроқ кўчларнинг ёвуз тимсоли сифатида қўлланган «зоғу зағанлар»нинг «мен» кўксига ботираётган тирноғи — бераётган азоб-қубатларининг ўзи ҳам етиб ортадиларди. Шоир «тирноғ» сўзини тимсол даражасига қўришда катта топқирлик намойиш этганини алоҳида таъкидлаш ўришли:

Чун таним зоғу зағанга тўйма бўлди, эй сипехр, Юз бало қуллобин олғилким — алар тирноғи бас.

МОЗИЙ

Поклик, тозалик инсоний фазилятнинг сарварларидан ҳисобланади, уни баяндай, унга маъно ва мазмун киритади. Донишмандлардан бири «Бир умр бахти бўлишни истасанг — пок одам бўл», деганлари ибратлидир. Биз бу ерда фақат инсонни гўзал сифатидан бир шингили билан Сиз азизларни ошна этишга жазм этдик. Доно халқимиз ҳам покликни осмонга кўтарган. «Дили покнинг — иши пок», «Дили покнинг — йўли пок» қимматлари бекорга битилмаган. Буюк бобокалонимиз Саъдий Шерозий

**Ўз мангил теридан
нон еган киши,
Ҳотам миннатидан озол
ёз-қиши,
деб бетактор ҳикмат
битганлар.**

Инсоният маънавиятининг сарчашмаларидан ҳисобланмиш «Авесто»да поклик қойил қоларини даражада тараннум этилган. Биз қимматли манбанинг инсон дунёси жаҳоирларидан бири шодаси билан Сиз азизларни сийлашга жазм этдик. Аммо «Авесто»ни бошдан охиригача поклик қасидаси десак муболаға бўлмайди. Қайси масала кўрсатилмасин, қандай мумоим кўйилмасин охирикўбатда инсон ички дунёсини мунававраштиришга бориб тақалади. «Авесто»ни бот-бот, такрор-такрор ўқиб, мушоҳада қилиб, беихтиёр ўйга толасан, аждодларимизнинг маънавий дунёсининг кенглигини, ақли-тараккузининг жўнглигини дол қоласан. Мана, азизлар, «Авесто»да поклик ҳақида наво таралаяпти, қулоқ тутинг.

Ахура-Мазда деди:
Худо берган Вартрагна
(ғойиблик илоҳи)га,
Ҳаммадан муносиб зотга
Ким тоатлар келтирар
булса,
Ҳақиқатда ҳаммадан яхши
Дуолар ва қурбонлик
бирдан, —
Ориённи мамлакатларга
Ёвлар ҳужум қилмагачи
зинҳор.

«Авесто»да поклик мадҳи

«Будир, — дейилган «Авесто»да, — энг эзгу ишлар! Будир энг гўзал амаллар! Будир, эй яхшилик истовчи Зардушт, сен сўрган нарсалар!»
Ашаван Ахура — Мазда ушбу сўзлар билан Зардушт жонига поклик асорини бағишлади. Зардушт одамлар ўз ёзуғларидан эзгу амал, эзгу фикр ва эзгу калом билан халос бўлишлари мумкинлигини англагач шод бўлди.

«Эй, Ахура-Мазда! Туғилгандан пок бўлмоқ тирликда буюқ ишлар. Дунёни обод этмоқ уни яхшилик билан асрамоқ ва ёруғлик сари элтмоқ керак!»
Дарҳақиқат, оламзот пайдо бўлибдики, унинг нияти эзгулик, орзу-умиди эзгулик, бунга яхши амалларнинг қўшилиши нур устига аъло нурдир. Илоҳий китобда маъмур инсоний ҳислатларни ҳаётдаги ўрнига жуда катта эътибор берган, «Будир энг эзгу ишлар! Будир энг гўзал амаллар!» Покликнинг пойдеворидир. Олий Илоҳ Пайгамбарнинг «жонига ушбу сўзлар билан поклик асорини бағишлади». Ҳа, «...одамлар ўз ёзуғларидан эзгу амал, эзгу фикр ва эзгу калом билан халос бўлиши...» — покликдир. Мазкур унсурлар покликнинг устунлари ҳисобланади, уларни аждодларимиз тийнран англаганлар ва унга амал қилганлар. «Туғилгандан пок бўлмоқ тирликда буюқ ишлар» деб хулосалайди. Ниҳоятда тўғри хулоса, аниқ кўрсатмадир. Фикр офтобдек тафти, оломосдек ўткир, пўлатдек муштақам. «Авесто»нинг бошқа жойида покликнинг йўллари ҳам кўрсатиб берилган. Мана, эътибор беринг:

«Ахура-Мазда деди:
«**Яйловлари ҳадисиз,**
хулдсиз,
Митра (илоҳ)га ул
топинмоқ учун
Уч кечаю уч кунду ўзин
Пок айласин,
Тавба қилсин, истиғфор
айтсин,

«Ахура-Мазда деди:
«**Яйловлари ҳадисиз,**
хулдсиз,
Митра (илоҳ)га ул
топинмоқ учун
Уч кечаю уч кунду ўзин
Пок айласин,
Тавба қилсин, истиғфор
айтсин,

Мусокул УСМОНОВ,
профессор.

Шарқ дурдоналари



«БАШОРАТ»НИНГ ҚИММАТИ

Ҳадисларда баён қилинишича, бир кун одамлар Расулulloҳнинг ҳузурларига келиб:
— Фолбинларга ишонайликми? — деб сўрадилар.
— Йўқ, — дедилар Расулulloҳ.
— Уларнинг айтганлари баъзан тўғри чиқади-ку!
— дейишди улар.

— Жинлар, — деб жавоб бердилар Расулulloҳ, — битта ростни юзта ёлғонга ўраб, фолбинга етказадилар, фолбин эса — одамларга.

Шариат фолбинларга ишонишни қатъий ман этади. Буни эшитган кўпгина фолбинлар ҳозир ўзлари «башоратчи» ёки «экстрасенс» деб ном қўйиб, фолбинликларини бемалол давом эттирмақдалар. Аввалиги фолбинлар фақат башорат билан шугулланса, ҳозирги фолбинлар тараққий қила бориб, қуф-суф қиладиган, тумор ёзиб, иситма ва совутма ҳам қиладиган бўлиб қолдилар.

**Куф-суф билан тунлар тин олмас эмиш,
Каттаю кичикдан кин олмас эмиш.**

**Унинг қувватию кудратин кўриб,
Деву алвастию жин олмас эмиш.**

Телевизорда бир башоратчи аёлни кўрсатишди. Ўзи ҳақида тўлқинланиб сўзлар эди. Айтишича, орқасида бир қанча машоихларнинг руҳлари ҳозир турган эмиш.

**Орқасида Гав у-Аъзам турармиш,
Ибни Сино бормиш, ул ҳам турармиш.**
**Ғиждувоний билан Имоми Аъзам,
Хизмат учун шаймиш, ҳар дам турармиш.**

Аёл ўзининг орқасида машоихлар руҳи эмас, жини шайтонлар турганини билмас эди. Негаки, шарият бўйича, руҳлар фақат Аллоҳу таъолонинг изни билангина ерга тавадилар, Аллоҳ эса бу маъсияткор аёл учун ўзининг севадан бандалари руҳини безовта қилиши ақдан узокдир.

Фолбиннинг топиб олган битта сўзи бор, яъни келганларга жин теккан деяверади. Гўёки, жинлар беъморга, иши юришмаган ва бахти боғланмиш қолган йигиту қизларга ёпишиб олармиш ва туну кун уларнинг ёнида юриб, зарар келтирармиш. Ваҳоланки, Қуръони Карим оятлари бўйича, жинлар одамлар каби Аллоҳга ибодат қилиш учун яратилган, уларнинг ҳам оиласи, бола-чақаси бўлиб, уларга озиқ-овқат топиши, едириб-ичириши, илм ўқитиши ва таълим-тарбия бериши зарур. Инсонлар ўз ёмонликлари учун охиратда қандай жазо олсалар, жинлар ҳам шундай жазога муштаҳидурлар.

**Жинлар жинни эмас, ўз иши бордир,
Касбу кори бордир, ўз кеши бордир.**

Аҳли оиласи, ташвиши бордир.
Бир профессор аҳолининг:
— Ўғлимга бир насихат қилиб қўйсангиз, хотини билан қўйди-қикди бўлай деб турибди, — деб қолди. Сабабини сўрадим. Иши бироқ юришмай қолган экан. Фолбинга борибди. Фолбин унга: «Хотининг илми амал қилибди» дебди. Мен ўша келинни танир эдим. Келин ўта мулоим, кўй оғзидан чўп олмаган, содда ва камтар киши эди. Нахотки у ўз эрининг ишлари юришиб кетишини хоҳламаса!

**Фолбин дўстлар аро нифоқ солади,
Эру хотинларга дироқ солади.**

**Яхшилик қилмоқда феоқ ўйлама,
Аслида пулингга тузоқ солади.**

Йигитнинг ўзи олдимга келиб қолди.
— Ака, мен сизга ишонаман, — деди у. — Бу воқеа тўғрисида фикрингизни билмоқчи эдим, нима қилсам экан?

Уни оддий гап билан ишонтариш қийин эди. Унга дедим:
— Яқинда фолбиннинг ўғли машинаси билан ҳалокатга учраб, оғир ҳалатида мубтало бўлган, хабаринг борми?

— Ҳа, — деб жавоб берди у.
— Агар у ҳамма нарсани билолса, нега ўғлининг ҳалокатга учрагани олдиндан билмади? Ўғли оғир хаста бўлиб ётибди, нега уни қуф-суфи ёки жинлар орқали даволамапти? Ўз оиласида юз берадиган воқеаларни билмаган фолбин қандай қилиб сенинг оиланга бўлаётган воқеаларни билсин? Гайб сирларини фақат Аллоҳгина билади. Қуръони Каримда: «Иннама-л-гайбу лиллаҳи» («Гайб сирларини билиш фақат Аллоҳга ҳос») дейилади. Бу мазмун форсий шеърда қуйидагича ифодаланган, деб шеърни ёддан ўқиб, таржима қилиб бердим.

Илми гайбро кас намидонад баҳуз
Парвардигор,
Гар касе гуяд, ки мидонам аз у бовар мадор.
Мустафо ҳаргиз нагуфти гар нагуфти
Жабраил,
Жабраилас хам нагуфти то нагуфти
Кардигор.

(Илми гайбни ҳеч киши Аллоҳдан ўза
билмагай,
Кимки билгайман деса, сўзига бовар қилмагай.
Мустафо айтмас эди, то айтмагунча Жабраил,
Жабраил айтмас эди, то айтмас
Робби Жалил³).

— Раҳмат, кўнглимни тинчитдингиз, мен хатто хотинимни талоқ қилиб юбормоқчи эдим, — деди у ва кўтаринки кайфият билан чиқиб кетди.

**Жин чалди, деб фолбин дилга гам ёқар,
Пулни камроқ берган унга кам ёқар.**
Руҳлар учун, манга, шам ёқдим дея,
Пулинг сувормоққа асли шам ёқар.

Махмуд ХАСАНИЙ

Беш юз ўн ёшдан ошган газал

мизда 1489 йилга тўғри келади. Демак, Навоийнинг эллик ёшида яратилган бу беш газалга 1999 йилда ронпа-роса беш юз ўн йил тўлди. Ёши ярим миңг йилдан ошган бу беш газалдан бири «Хазойин ул-маоний» мажмуасининг биринчи девони бўлиши «Ғаройиб ус-синар»да, ўттинчи инсоний девон — «Наводир уш-шабоб»да учрайди ва фақат биттасигина «конуний ўрни» — шоирнинг ўз таъбири билан айтганда, қарилки йилларида ёзилган газаллар девони деб белгиланган «Фавоийд ул-кибар»га киритилган.

Эллик ёшида яратилган газалларнинг болалик ёшлик йиллари (Навоийнинг ўз таснифига қўра «етти секкиз ёштин йигирма ёшга») ҳамда йигитлик йиллари («йигирмадан ўттиз бешга») ижоднинг махсули сифатида белгиланган «Ғаройиб ус-синар» ва «Наводир уш-шабоб» девонлари таркибида учраши, Махсуд Шайхзода ва Ҳамид Сулаймонлар таъкидлаганидек, «Хазойин ул-маоний» мажмуаси девонларида шеърларни даврларнинг «оғат шартли бурган»лигини, девонларда ижодий фаолиятнинг турли даврларида яратилган шеърлар аралаш-қуралаш жойлашганини кўрсатади.

Болалик йиллари ижод махсули деб тасниф этилган «Ғаройиб ус-синар» девонидан ўрин олган, аслида эса шоирнинг эллик ёшида яратилган биринчи газали шартли равишда «Ўзбаким бошида қалпоқ» деб номлаш мумкин. Бу Навоийнинг шу газал матнида қўлланган ўз иборасидир.

**Ҳўларга менг ул ойнинг тоза қулук доғи бас,
Кўларига сурма қўйининг қаро туфроғи бас.**

**Бесутун сайрини найлайким, манга эгнимдаги
Кўк равокига сутун бўлгон маломат тоғи бас.**

**Чун таним зоғу зағанга тўйма бўлди, эй сипехр,
Юз бало қуллобин олғилким, алар тирноғи бас.**

**Шоҳу тоғу хильатекин, мен тамошо қилгали,
Ўзбаким бошида қалпоқ, эгнида ширдоғи бас!**

**Гўшайи майхонадин гулшанга бормонким, манга
Гул уза насрин, майи гулранг уза куп ёғи бас.**

**Ёшинг эллик бўлди — юз кўйил фано туфроғига
Ким, шабоб айёми айшу беадаблик чоғи бас.**

**Гар Навоий холига ул шўх боқмас раҳм ила,
Гоҳ ибрат бирла ҳам ул ён назар солмоғи бас.**



Келинг, мулоҳаза қилайлик.

Набатдаги мана бу байт алоҳида диққатга сазовор. Унда шоир «шоху тоғдан ҳам, қимматбахо тошу дурлар билан зийнатланган ҳашаматли либослар — хильатдан ҳам ўзбекининг оддий қалпоғини, эгнидаги туркона кийим-ширдоғини азиз ва афзал қиришини, дили шулардан яйраб, қузи шулардан қувонганини қандайдир ички гуруру ва қониқши билан баралла айтади. Мисралардаги қатъийлик оҳанги мазмунини янада қуюклаштиради:

**Шоҳу тоғу хильатекин, мен тамошо қилгали,
Ўзбаким бошида қалпоқ, эгнида ширдоғи бас!**

Мисрадаги «Ўзбаким» сўзига эътибор берайлик. Улуг тилшунос ҳам бўлган Навоийнинг миллатни ифодаловчи сўзга ағалик — дахлдорлик қўшимчасини қўшиб, алоҳида маъно-мазмун бўлиб ширдоғи билан иштилоши асло бежиз бўлмаса керак. Унда шоир бутун эътиқоди, фалсафасини, ўтмиши ва келажакига, авлод-аждоди ва шажарасига аниқ-равшан ишорани, бир сўз билан айтганда, бутун бўлигини жойлагандек, «ўз ўзбакига» қалбан ва руҳан чамбарчас боғланганини, ўзини унинг бир узвий қисми, уни эса ўз дунёси, ҳаёти, «узлиги» эканини сингдириб юборгандек туюлади. «Ўзбаким!» Чиндан ҳам, дилда шаклланиб, етилиб тилга отилиб чиққан бу сўз заминдаги олам-олам меҳру муҳаббатни, самимий ҳурмат-иззатни, чин эъоз-ардоқни ва айнаи замонда, яқин сирдошлик-қондошликни ким инкор эта олади?!

«Ўзбаким!» Ўз ўзбаки! Бунинг заминига улуг шоир жойлаган муқаддас туғиғу беш асрдан кейин ҳам замонимиз фозиллари Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповларга янги ижодий илҳом, янги парвоз ва гавийи юксалиш бахш этган бўлса не ажаб!!

Шунинг ҳам таъкидлаб айтиш керакки, мисралардаги «қалпоқ» ва «ширдоғ» сўзлари ўзларининг расмий-одадий тор маъноларини ўзгартириб, бутун бир халқнинг яшаш тарзи, анъана ва урф-одатларини жамловчи бадиий тимсоллар даражасига кўтарилгандир. Худди шунинг учун ҳам бу ўринда Навоийнинг ўз она халқига чексиз севги-садоқати ва меҳр-муҳаббати ифода этилган десак, ҳақиқатга зид тушмайди. Сўз юртилаётган мисраларнинг Навоийнинг эллик ёшида, шоирнинг ўз сўзлари билан айтганда, қарилки юзланиб, «фано (йўқлик) туфроғига ўз кўйиш» даври бошланганда битилганида айрича маъно ва мазмун бордек. Гап шундаки, шоир фикрда, ёшлик айёмига ҳам, айш-ишрат чоғига ҳам чек қўйиш вақти етди. Эндиликда қосиб ўтилган умрга сархисоб берилиши керак.

Газалда майхонанинг бир бурчагини гулшандан, гулзору қип-қизил майнинг ўзидан май муҳининг қолдирини афзал билишлик ҳақидаги тасаввуфий байт ордидан мана бу мисралар битилган:

**Ёшинг эллик бўлди, юз кўйил фано туфроғига
Ким, шабоб айёми, айшу беадаблик чоғи бас.**


Яқунловчи байтда эса шоир, худди бошланма байтда бўлганидек, ишқий газалларга ҳос анъанавий мавзуга қайтади. Мисралар ниҳоятда раван ва муносиқ, сўз-тимсоллар халқона: лирик «мен» бахту саодати учун гўзал машуқанинг бир нигоҳ ташлашининг ўзбек кифоя:

**Гар Навоий холига ул шўх боқмас раҳм ила,
Гоҳ ибрат бирла ҳам ул ён назар солмоғи бас.**

Абдурашид АБДУРАФУРОВ,
филология фанлари доктори, профессор.



Ёш спортчи қизлар. Равиль Альбеков олган суратлар.



БАХОРГИ ЧАҚИРИК

Қуролли кучлар сафларига фахр билан

Хозирги кунда шахримизда ҳар бир ўғлоннинг ҳар томонлама чиникқан, ментдек мустаҳкам, мард ва фидойи инсонлар бўлиб етишишида муҳим ўрин тутувчи тадбир — Республика Қуролли кучлари сафларига баҳорги чақирик юмушлари қизгин давом этмоқда.

Шуниси эътиборга лойиқки, кейинги йилларда ёшларимизнинг ватанпарвар, эл-юрта садоқатли инсонлар бўлиб етишишлари борасидаги тарбиявий ишларнинг лозим даражада олиб борилиши натижасида шахримиздаги баҳорги ва кузги чақирик ишлари ҳам камчилик ва муаммоларсиз ташкил этилмоқда. Бунда тиббиёт муассасалари, маҳаллалар фаоллари, мудофаа ишлари ва ички ишлар бўлимларининг ҳамжихатлигида фаолият кўрсатишларининг ҳам самараси катта бўлмоқда.

Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти чақирик пунктига борганимизда Ватан мудофаасига тайёр ўғлонларимизни кўриб хурсандчиликдан бизнинг ҳам чеҳраимиз ёришди.

— Мустақил юртимиз тинчлик-осойишталигини муҳофаза қилишдек шарафли бурчини ўтаётганимдан фахрланаман, — дейди Юнусобод туманидан чақирилувчи Одил Юнусов. — Тўғри, бирмунча муддат қадрдон уйим, яқинларим, ошна-огайнилариимдан узоқда бўлсам-да, бироқ она Ватанни кўриқлаш ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчи эканлигини яхши тушунаман. Энг муҳими, отам ва онам мени яхши ниятлар билан кузатиб, сидқидилдан ва чин кўнгилдан хизматни ўташим лозимлигини таъкидлашди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, деярли ҳар бир чақирилувчи ўзининг Ватан олдидаги фарзандлик бурчини ҳудди ана шундай чуқур масъулият ҳисси билан, ўзини мустақил давлатнинг ажралмас қисми сифатида кўриётганини келтирамиз.

КЎЗАТИШ

(БУВИЖОНЛАР ТИЛИДАН)

Ой бориб, омон кел, набагирагим, Олгину олдирма, йўлинг бўлсин ок. Бобонинг руҳи шод, ота-онанг шод, Бўй-бастинг кўрганда кўнглим бўлар тоғ.

Бошингда дўппинг бор, белда белбоғинг, Йигитлик бурчингни адо эт, бўтам. Юртимиз мустақил, уни сев, сақла, Соғ-омон уйга қайт хизматни ўтаб.

Шунча йил яшайди дилда навқирон, Раҳматлик бобонинг руҳи, хурмати. Уйимиз тўридан кулиб боқайди, Сенингдек девсифат, дилкаш суварти.

Бу уруш фалоқат бобонг сингари Минглаб ёш-ялангин ер каби ютди. Очилмай бир гули ўнта гулидан, Бемаҳал сўлдириб, узди, кўригди.

Яхши ҳам отанг бор, ўлмади номи, Эл ичра биз билан руҳи тирикдир. Хар ишда бизга ёр, ҳамдам, бошу қош, Оғиру энгил он ҳамдара, шерикдир.

Вақт ўтиб, бўй етиб, бўлдинг ўспирин, Оталар изидан бор дадил, бўтам. Юртимиз мустақил, уни сев, сақла, Соғ-омон уйга қайт, хизматни ўтаб.

Ой бориб, омон кел, бўталоқинам, Тўк, ширин мағзиб данакқинаминг. Тез келсанг хизматдан, кўрсам тўйингни, Қолмасди армони юракқинаминг.

Етақлаб юрсайдинг ўғлинг, қизингни, Босайдим юзимга момик кўлини! Бобонгдай, отангдай сен асрай олсанг, Она-юрт тинчили, бахти, йўлини!

Ой бориб, омон кел, болажонгинам, Бўйингга қоқиндик, бувижонгинанг! Искандар РАХМОН

тида сезган ҳолда ёндошмоқда. Айримлар эса ҳарбий қисмларга мuddатли хизмат тугаганидан сўнг ўз ҳаётларини Қуролли кучлар билан келгусида ҳам боғлаш ниятида жўнамоқдалар. — Ёшликдан ўсиб-ўлғайсам ҳарбий бўлиш ниятида эдим, — дейди чақирилувчи Сергей Эрматов. — Шу сабабдан мuddатли хизматни аъло даражада ўтаган ҳолда зобит сифатида Қуролли кучлар сафларида қолишга ҳаракат қиламан.

Ҳамшаҳарларимиз Қуролли кучлар сафларида энг яхши аскарлар сифатида доимо ўзларининг намунали хислатларини кўрсатиб келадилар. Буни Тошкентга ёш аскарларни республикамиздаги ҳарбий қисмларга элтиш учун келган зобитлар ҳам мамнуният билан тасдиқлашади.

— Кўп йиллардан буён Қуролли кучлар сафларида фаолият кўрсатиб келаётган зобит сифатида шунга айтишим мумкинки, — дейди Сурхондарё вилоятдан келган вакил — тошкентлик болалар доим яхши аскарлар бўлишган. — Бинобарин, уларнинг кўпчилиги армияга муайян касбни ағаллаган, махсус тайёргарликдан ўтган ҳолда келишади, бошқалари эса олий ўқув юртларини тугатганларидан кейин Қуролли кучлар сафларида хизматни ўташади. Шу сабабдан уларнинг деярли барчаси замонавий анжомларда ишлашади, уларга энг мураккаб соҳаларни ишониб топширишади. Натижада кўпчилиги сержант унвонини ағаллаган ҳолда уйларига қайтишади. Бир сўз билан айтганда, уларга шахсий таркиб билан ишлаш ишониб топширишади. Шунга ишонаманки, баҳорги чақирик ўғлонлари ҳам ушбу аълоларнинг давом эттирадилар.

Дилмурод ИСМОИЛОВ
СУРАТЛАРДА: Ватан хизматига отланган тошкентлик ўғлонлар.

Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.



«01»

Яна ўша муаммо ҳақида: болалар, гугурт, бепарволик, ёнгин. Ҳа, бу муаммо ҳақиқатан ҳам муаммолигича қолмоқда, чунки ёш болаларнинг олов билан ўйнашлари оқибатида ёнгинлар сони ортиб бормоқда. Сўзимизнинг далили сифатида куйидаги рақамларни келтирамиз.

Ким айбдор?

Биргина Миробод туманининг ўзида ўтган 3 ой ичида 37 та ёнгин содир бўлган (2000 йилда эса 34 та). Ушбу ёнгинлардан етган моддий зарар 372447 сўмини ташкил қилди.

◆ 2001 йилнинг 13 март куни Норхўжаев кўчаси, 30-уйда ёнгин содир бўлган. Ёнгин натижасида уйнинг том қисми ва уй жиҳозлари бутунлай ёниб тушган. Ёнгин сабаби газ печининг мўрқони ўз вақтида тозаланмаганлигидир.

◆ 2001 йилнинг 6 апрель куни С. Азимов кўчаси, 79-уйда жойлашган хусусий «NRJ» фирмасида ёнгин содир бўлган. Ёнгин оқибатида фирма офисининг жиҳозлари ёниб кетган. Ёнгин сабаби ушбу фирма директори ўринбосарининг эҳтиётсизлиги билан сигарета чекишдан келиб чиққан.

Баъзи ҳолда ёш болалар катталарга тақлид қилиб, ўзларича «қизик» воқеаларнинг шохиди бўлишлари келади. Кўпчилик ҳолларда шу «қизик» воқеа қурбонлари бўлишлари ачинарли ҳолдир. Хўш, бунга ким айбдор? Албатта катталар. Ўзингиз ўйлаб кўринг, болаларнинг қўлига гугурт қаердан келиб тушади? Биз катталарнинг бепарволигимиз ва лоқайдлигимиздан.

Катталар, огоҳ бўлинг, болаларнинг олов билан ўйнашига йўл қўймаг, шундагина фарзандларимиз умрини ва уй-жойингизни ўт балосидан сақлаб қолган бўласиз. Агар ёнгин чиққудек бўлса, дарҳол «01» телефон рақами орқали ўт ўчириш хизматини ёрдамга чақириш керак.

Дилмурод НОРСИДИҚОВ,
Миробод туманидаги 3-ЎҚСБ назоратчиси.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Корея Республикасининг кўшма корхонаси Тошкент шаҳрида яшовчи 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган қизлар ва аёлларни тўқимачилик саноатининг куйидаги ихтисосликлари: йигирувчи ва тўқувчи, ип ўраш, тараш, титиш, лентна текислаш анжомларининг операторлари; Қуролли Кучлар сафларида хизматни ўтаб қайтган 20 ёшдан 35 ёшгача бўлган йигитларни эса электрик, уста ва чилангар ёрдамчилари, таъмирчилар касбларига доимий ишга тақлиф этади. Юқорида санаб ўтилган ихтисосликларга эга бўлмаган ишчилар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда касбга ўргатилади.

Ишчилар овқат, махсус иш кийими, транспорт хизмати билан таъминланади. Ишга вақтбай тарзида ҳақ тўланади. Ҳар сешанба ва жума эрталабки соат 8.30 дан бошлаб қабул кунлари ҳисобланади. Манзилимиз: Шайхонтохур тумани, Зиё Саид кўчаси, 2-а уй. Телефон: 120-48-00 (12-09).

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ МАРТА
ПИВО ФЕСТИВАЛИ
Пивонинг совосизлими? Сизнинг жавобингиз қондан бўлишидан қўяёй назар, ҳок ЯА, ҳок ЯҲК бўлсин, фестивал тошкентлик қўнғос боргани, шажар ақолисини, мажмонларнинг пиво боваринга тақлиф қилди.

Фестивал ишори: «Юртимиз неъматлари учун»

«OZIQOVQATSANOAT» Уюшмаси таъинбўш билан таъкид этилган фестивал 2001 йилнинг 19 май куни Бобур номи истироҳат боғида ўтказилди. Фестивалнинг таъинбўш оқибати эрталабки соат 10.00 да боғланади.

Сизда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқорилган турли пиво маҳсулотларини татиб кўриш имкони туғилди.

Бундан ташқари, Сиз турли танловларда иштирок этишингиз ва қўллаб муқофотлар ютиб олишингиз мумкин.

ПИВО ФЕСТИВАЛИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ИЛМ МАСКАНЛАРИДА

Аждодлар меросини ўрганиб

Аждодларимиз томонидан ёзиб қолдирилган қўлёзма асарлар, ноёб манбалар ва нодир китоблар Ватанимиз, халқимизнинг ўтмиш тарихи, маданияти, санъати ва турмуш тарзини ўрганишда қимматли манбаа бўлиб хизмат қилади.

Ўтмиш аждодларимиз яратган ва асрлар давомида тўплаган бой тарихий, маданий, илмий меросдан бизнинг давргача етиб келган ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг кутубхонасида, шунингдек Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон, Тошкент шаҳар архив, музей ва кутубхоналарида эҳтиёткорлик билан сақланиб ва ўрганилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Давлат кутубхонаси Шарқ бўлими негизда 1944 йилда Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институти номи билан ташкил этилган ва 1950 йилдан бошлаб Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти бутунги кунда Ўрта Осиёдаги энг йirik илмий зиё масканларидан бирига айланган. Унинг фондида 40 мингдан зиёд асар бўлиб, шундан 18 мингдан ортиқроғи VIII-XIX аср бошларига оид қўлёзма асарлардир. Бу ноёб асарлар, ҳужжатлар турли даврларда араб, форс, тожик, ўзбек, туркман, озарбайжон, урду, пушту ва бошқа тилларда ёзилган. Институт хазинасида улуг доғишмандларимиз — олимлару шоирларимиздан Форобий, Ибн Сино, Беруний, Розий, Хоразмий, Фирдавсий, Низомий, Улуғбек, Жомий, Навоий, Аҳмад Дониш асарлари билан бирга Ўрта Осиё хонликлари ҳужжатлари, ёрликлар, вақф қоғозлари ҳам сақланмоқда. Институт фондида Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Хитой, Мўғулистон, Шарқий Туркистон ва Осиё мамлакатларига оид турли тарихий маълумотлар борлиги, унинг халқро илмий аҳамиятини янада оширади. Институт Ўрта Осиё ва қўшни Шарқ мамлакатлари тарихи, фан ва маданияти тарихи бўйича ёзма ёдгорликларни ўрганиш ҳамда уларни ўзбек ва рус тилларига қилинган илмий ихозиди ва шарҳланган таржималарини эълон қилиш, институт фондидаги шарқ қўлёзмаларининг аннотацияли (қисқача баён) каталогларини нашр этиш; хорижий шарқ мамлакатларидаги миллий озодлик ҳаракати, уларнинг тарихи, иқтисоди, адабиёт-

ти, санъати, савдо-сотик алоқалари ва ташқи сиёсатини ўрганиш билан шуғулланиб келмоқда.

Институт хорижий мамлакатлардаги бир нечта илмий марказ ва кутубхоналар билан алоқалар ўрнатган.

Институт олимлари илмий ишлар юзасидан Марказий Осиё, хорижий давлатларнинг шарқшунос олимлари ҳамда республикамиз олимлари билан ҳамкорликда тез-тез илмий-амалий анжуманлар ўтказиб, фан, хусусан шарқшунослик соҳасидаги янгиликлар, янги қўлёзма топилмалари, тадқиқотлар, ижодлари билан таниш бўлиб турадилар.

Яқинда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти биргаликда «Тарихий манбаашунослик долзарб муаммолари» мавзuida илмий-амалий конференция ўтказди. Анжумани Низомий номи Тошкент Давлат педагогика университетининг ректори, профессор Баҳром Қолиров кириш сўзи билан бошлаб берди.

Конференцияда Шарқшунослик институти директорининг ўринбосари, тарих фанлари номзоди Баҳриддин Маннонов «Дипломатия тарихига оид манбалар ва уларнинг тарих фанини ўқитишдаги аҳамияти», Тошкент Давлат педагогика университетининг кафедра mudiri, фан номзоди Маҳмуд Ҳасаний «Шарқ қўлёзмалари ва уларни ўрганиш», шу институтнинг катта илмий ходими, фан номзоди Гулсара Остонова «Кўшбегни архиви XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларига Ўзбекистон тарихини ўрганишда муҳим манба» сингари 20 га яқин мавзуда қизилар ва фойдаланиш мазмуналар қилинди.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ

Уч жониворга ўхшаш кенгуру
Жанубий Африкада одам эшитмаган табиятнинг гаройиб кенгурусини хайвонот боғига келтирилганда, томошбинлар хангу манг бўлиб, ёқа ушлашди. Устидаги чиқирлар зебрани кўз олдингизга келтирса, турши кенгуруни эслатарди. Яна бир ўзгачалиги, боши архарнинг бошига ўхшарди. Узоқдан келган журналистлар видеотасма ва суратга олишдан нарига ўтиша олмади. Кенгуруни сотиб олмоқчи бўлган олимлар эгасига миллиард долларга сўрашган. Сотилиши хохламаган Ревалдо Гэй кенгуруни икки кун хайвонот боғида ушлаб томошбинларнинг ақчасини шилиб олган. Табиатан ўзгача бўлган кенгурунинг қандай пайдо бўлгани ҳозирча сирлигича қолмоқда.

«Бақа-чаён ош бўлди...»

Лондонда ошпазлик соҳасидаги янгиликлар ҳаётига кириб келмоқда.

Сиз хар кил таомлар каторида шоколад қўшиб қовурилган суварак, кўнги, чигирткаларни ҳам тановул қилишингиз мумкин. Парх-ездангилар эса қизил кумурсқанинг туҳумини ейиши мумкин.

Касалнинг давоси — саримсоқ

АҚШнинг Шимолий Каролина университетининг олимлари саримсоқнинг давоник хосиятини аниқлашди.

Саримсоқни кўп истеъмол қиладиган кишиларнинг йўғон ҳамда тўғри ичакларида пайдо бўладиган хар тарли шиш касаллининг 90 фоизи камаяр экан. Шунинг учун кўк ўтнинг шу хили — саримсоқни кўпроқ истеъмол қилиш керак экан.

Жониворлар қандай уқлашади?

Жониворларнинг уқлаш пайтидаги ҳолати ҳар хил бўлади.

Кўён, олмахон, тулки ва кашкир, арслон ва йўлбарс, сиғир, бугу, туя, жайрон ва бошқа хайвонлар бағрини ерга тутиб уқлашади.

Жониворлар каби балиқлар ҳам уқлашар экан. Сув остини текширувчи Жак Ив Кусто бир пайт одамга уқшаб ёнбошлаб ётиб, қаттиқ уйкуга кетган катта балиқларга дуч келади. Балиқлар шунчалик қаттиқ уқлаганидан, уларни олим ўқусидан «олкиб» аранг уйғотган экан.

Баъзи бир маймунлар (паванлар, пибонлар), тулки, мушук, айқ ва бошқа жониворлар ўтириб ҳам уқлашар экан.

Кидирбой Тўлабоев тайёрлади.

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршаба ва жума
кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 209
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалари
бўйича турар жойлардаги почта
бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га
— 133-74-05 телефонига муурожаат
қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг»
компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмохонаси.
Қорхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.